

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
А Ж Р И М И

2023 йил июнь ойининг 12 куни, Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг биносида, апелляция инстанциясининг очиқ суд мажлисида, вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судьяси Ш.Бахтиёровнинг раислигида, ҳайъат судьялари: А.Ғоппоров ва Х.Бобоқуловлардан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Х.Умаровнинг котиблигида, тарафлардан: Қашқадарё вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори Н.Исмоилов, судланган К.М ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Худойбердиевларнинг иштирокида, судланган К.Мнинг ўзига нисбатан чиқарилган суд ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклашни рад қилиш ҳақидаги ажрим устидан берган хусусий шикоятини 1-3-1807-2301/9-сонли иш ҳужжатлари билан кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг 2023 йил 8 майдаги ажримига асосан,

К.М 1979 йил 20 декабрда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 3 нафар фарзандлари бор, илгари Қашқадарё вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ ППХБ 2-отряд милиционери вазифасида ишлаган, ҳозирги унда “Шўртаннефтгаз” корхонасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди, муқаддам судланмаган, Қарши шаҳар Узумзор кўчаси 26-уйда яшайди,

Жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг 2011 йил 26 декабрдаги ҳукми устидан апелляция тартибида шикоят бериш муддатини тиклаш ҳақидаги илтимосномаси рад қилинган.

Судланган К.М шикоятида, жиноят ишлари бўйича Касби туман суди томонидан унга нисбатан 2011 йил 26 декабрь куни айблов ҳукми чиқарилганини адвокати билан 2023 йил апрель ойининг охирида гаплашганида хабар топганлигини, унга қадар суд ҳукми билан қамоқдан озод қилинганлиги сабабли ўзини оқланган деб ўйлаб, кучли руҳий ҳаяжонда бўлганлиги сабабли ҳукм нусхасини олмаган бўлса-да, ҳукм нусхасини олганлиги тўғрисида тилхатга имзо қўйганлигини, шу сабабли ҳукм устидан апелляция шикояти бериш муддатини ўтказиб юборганлигини билдириб, шикоят бериш муддатини тиклашни сўраган.

Апелляция инстанцияси суди, судланган К.М ва унинг ҳимоячиси-адвокат У.Худойбердиевларнинг ўтказиб юборилган шикоят бериш муддатини узрли деб топиб, муддатни тиклаш, прокурор Н.Исмоиловнинг



шикоятни рад қилиш ҳақидаги фикрларини тинглаб, қуйидагиларга асосан суд ажримини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланган К.М апелляция инстанцияси судида, шикоятини қувватлашини, жиноят ишлари бўйича Касби туман суди томонидан унга нисбатан 2011 йил 26 декабрь куни қамоқдан озод қилинганлиги сабабли ўзини оқланган деб ўйлаб, кучли руҳий ҳаяжонда бўлганлиги сабабли ҳукм нусхасини олмаган бўлса-да, ҳукм нусхасини олганлиги тўғрисида тилхатга имзо қўйганлигини, ҳукмни олганига 1 йил бўлганлигини, шу сабабли ҳукм устидан апелляция шикояти бериш муддатини ўтказиб юборганлигини билдириб, шикоят бериш муддатини тиклашни сўради.

Биринчи инстанция суди, илтимосномани тақдим қилинган ҳужжатлар асосида ўрганиб чиқиб, апелляция шикояти бериш муддатини ўтказиб юбориш сабабларини узрли деб топиш асослари мавжуд эмаслиги сабабли илтимосномани рад қилиб, тўғри хулосага келган.

Ҳукм чиқарилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасида, биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкинлиги;

497⁴-моддасида, ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протест бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкинлиги кўрсатилган.

Ҳозир амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасида, апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида берилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Иш ҳужжатларига кўра, судланган К.Мга нисбатан айблов ҳукми 2011 йил 26 декабрда чиқарилган ва ҳукм нусхаси шу куни берилган. Унда ўша пайта амалда бўлган қонунга кўра 10 сутка ичида ҳукм устидан апелляция шикояти бериш имконияти мавжуд бўлган бўлса-да, ҳукм нусхаси унга тилхат асосида топширилганидан сўнг, унинг адвокати У.Худойбердиев томонидан орадан 11 йил 4 ой 22 кун вақт ўтгач, апелляция шикояти берилган.

Қонун мазмунига кўра, қонунларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар муддатини ўтказиб юборишда узрли сабаб бўладиган ҳолат сифатида тан олиниши мумкин.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497⁴-моддасининг янги таҳрири амалга киритилганидан кейин 2 йилга яқин вақт ўтган бўлиб, шу муддат давомида ҳам судланувчи К.М ёки унинг ҳимоячиси-адвокати томонидан апелляция шикояти ва шикоят бериш муддатини қонунларга



ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги муносабати билан тиклаш ҳақидаги илтимоснома берилмаган.

Бундай ҳолда, ҳимоячи-адвокат У.Худойбердиевнинг ўтказиб юборилган шикоят бериш муддатини узрли деб топиш ҳақидаги илтимосномасида келтирилган ҳолатларни “узрли”-деб баҳолаб бўлмайди.

Шу маънода апелляция инстанцияси суди, ажримни ўзгаришсиз, К.Мнинг ўзига оид суд ҳукми устидан шикоят бериш муддатини тиклашни рад қилиш ҳақидаги ажрим устидан берилган хусусий шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 497³⁴-моддасига асосан, апелляция инстанцияси суди

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Касби туман судининг 2023 йил 8 майдаги К.М оид жиноят иши бўйича апелляция тартибида шикоят бериш юзасидан ўтказиб юборилган муддатни узрли деб топиш ҳақидаги судланган К.Мнинг илтимосномасини рад қилиш ҳақидаги ажрими ўзгаришсиз, хусусий шикоят қаноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Раислик қилувчи, судья

Ш.Бахтиёров

Ҳайъат судьялари

А.Ғоппоров

Х.Бобоқулов

Ажрим нусхаси аслига
тўғри, судья

Х.Бобоқулов



Ҳужжат имзоланган: Бобоқулов Хамид Махмадўстович, 15.06.2023

